

БОЛА ХУҚУҚЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ БУЙИЧА ХАЛКАРО СТАНДАРТЛАР АҲАМИЯТИ

Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли

*ИИВ Академияси Давлат ҳуқуқий фанлар ва инсон
ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси
Электрон почта: ahmadovmahmud933@gmail.com*

***Аннотатсия.** Мақолада Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги зояларнинг вужудга келиши ва такомиллаштириши билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин эгаллаган. Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясида келтириб ўтилган “Бола ҳуқуқлари” тушунчалари таърифи ҳамда келиб чиқиши тарихи ҳамда ушбу ҳуқуқларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ёритиб ўтилган.*

***Калит сўзлар:** ҳуқуқ ва эркинлик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, инсон ҳуқуқлари, Конституция, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”.*

***Аннотация.** В статье особое место занимают вопросы, связанные с созданием и совершенствованием идей о правах ребенка. Освящены определение и история понятия «Права детей», упомянутого в новой редакции Конституции Республики Узбекистан, а также значение этих прав в жизни человека.*

***Ключевые слова:** права и свободы, права и свободы личности, права человека, Конституция, политические права, экономические и социальные права, «Всеобщая декларация прав человека».*

Ўзбекистон Республикасининг демократик, моҳияти, аввало унинг халқ ифодасини ифодаланишида ва инсон манфалатларини химоя қилишда номоён бўлмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мамлакат ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётининг асосий принциpidир.

Бола ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича халқаро стандартлар ахамияти

Мустақиликнинг даслабки йиларида Ўзбекистон Республикаси кўшилган илк халқаро шартномалар қаторида Инсон ҳуқуқлари умум жаҳон декларатсиясида сўнг айнан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Канвенсия туриши Ўзбекистон - болажон юрт, халқимиз эса болажон халқ эканининг яқол исботидир [1]. Тириклик баҳордан, ҳаёт мазмуни фарзандан бошланади,- дейди доно халқимиз. Шунин учун мамлакатимизда оила, оналик ва болалик муҳофазаси мустақиликнинг илк кунлариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Халқаро ҳуқуқда болаларнинг ҳам ҳуқуқларга эга эканлиги Миллатлар лигаси томонидан бу борадаги биринчи халқаро ҳужжат - Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги декларатсия қабул қилинган 1924 йилдаёқ тан олинган эди. Кейинроқ 1948 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларатсияси ва минтақавий характердаги айнан шу йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва бурчлари Америка декларатсияси каби инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларда инсоннинг зўравонлик, қаттиқ ва шафқатсиз муомала ҳамда эксплуатациядан холи бўлиш ҳуқуқлари кенгроқ мазмун билан бойитилди. Бу ҳуқуқлар барча инсонларга, шу жумладан, болаларга ҳам бирдек тегишли бўлиб, 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактда янада ривожлантирилиб, уларнинг кўлами кенгайтирилди.

Бола ҳуқуқлари ҳақида алоҳида ва махсус тартибда аниқ - равшан белгилаб берилган янги халқаро ҳужжат ишлаб чиқиш зарурияти халқаро ҳамжамият томонидан бир овоздан эътироф этилиб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йили Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди. Бу ҳужжат тарихга инсон ҳуқуқлари соҳасида энг кўп мамлакатлар томонидан ратификация қилинган ҳужжат сифатида кирган бўлиб, дунёнинг деярли барча давлатлари томонидан ратификация қилинган.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда бола ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни кўплаб йўллар орқали янги босқичга кўтаришга эришилган. Бу ҳужжат илгари қабул қилинган халқаро характердаги ҳуқуқий актларда белгилаб берилган бола ҳуқуқларига тааллуқли қоидалар матнини ойдинлаштиради ва унда давлатлар ушбу қоидаларни бажаришлари мажбурий эканлигига эришилган. Ҳужжат болаларга оид янги қоидаларни ўз ичига олади. Масалан, уларнинг иштирок этиш ҳуқуқлари ва болаларга тегишли масалалар юзасидан чиқариладиган барча қарорларда болалар манфаати биринчи ўринда туриши тўғрисидаги тамойил, шулар жумласидандир. Бола ҳуқуқларини таъминланишини ва уларга амал қилинишини назорат қилиб, кузатиб боришга масъул ҳисобланган халқаро тусдаги орган - Бола ҳуқуқлари қўмитаси халқаро ҳуқуқ тарихда биринчи мартаба ушбу ҳужжатга кўра ташкил этилган.

Болаларнинг ҳимояланишга бўлган ҳуқуқининг тан олинishi Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция даражаси билан чегараланиб қолмайди. Бола ҳуқуқлари яна бошқа бир қатор ҳужжатларда белгилаб берилган бўлиб, улар БМТ ва халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган. Қуйидагиларни бундай ҳужжатлар сирасига киритиш мумкин:

- 1990 йилда Африка Бирлиги Ташкилоти томонидан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисидаги Африка Хартияси (ҳозирда бу ташкилот Африка Иттифоқи деб номланади);[2]
 - 1449 йилдаги Халқаро гуманитар ҳуқуққа оид Женева конвенциялари ва 1977 йилда қабул қилинган уларга қўшимча протоколлар;
 - Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1973 йилги 138-конвенцияси.
- Умуман олганда бу ҳужжат қоидаларига мувофиқ 18 ёшга тўлмаганлар ўз ривожланишлари ва саломатликлари учун хавфли бўлган ишларга жалб қилинишлари мумкин эмас. Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан 1999 йилда қабул қилинган Бола меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш, уларни бартараф этиш ва бу борада тезкор чора-тадбирлар кўриш масалаларига доир 182-конвенция ҳам шулар жумласидандир.[3]

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи асосий халқаро механизмлардан бири Бола ҳуқуқлари Қўмитаси бўлиб, у Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга аъзо давлатлар томонидан сайланадиган 18 аъзодан иборат. Қўмита аъзолари ўзларига берилган ваколат доирасида фаолият юритиб, бирор-бир давлат манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин эмас.

Йилда уч мартаба йиғиладиган бу Қўмитани асосий функцияси Конвенцияга аъзо давлатлар томонидан вақти-вақти билан тақдим этилиши шарт бўлган маърузаларни кўриб чиқишдан иборат. Давлатлар томонидан тақдим этиладиган вақтли маърузалар Конвенцияда белгилаб берилган қоидаларни амалга татбиқ этиш масалаларига доир ахборотлар ва давлатлар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда бу соҳани тартибга соладиган қонунчиликка оид батафсил маълумотлар, бу борада эришилган ютуқларни ўз ичига олиши шарт.

Вақтли Маърузалар Қўмитага келиб тушгач, Қўмита маъруза юзасидан ўзида туғилган саволларга жавоб олиш мақсадида давлатларга махсус делегатсия юборишларини сўраб таклифнома жўнатади. Қўмита аъзолари вақтли маърузадаги ахборотлар, БМТ агентликлари, шунингдек, нодавлат нотажорат ташкилотлари томонидан юборилган тегишли маълумотларни таҳлил қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидирлар. Шундан сўнг, Қўмита ўзининг "Якунловчи хулосалари" ва таклифларини қабул қилади. Уларда гап асосан аъзо давлатлар қонунчилигидаги Конвенция қоидаларига зид ҳолатлар ёхуд амалдаги қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдиришга доир таклифлар ҳақида боради.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи яна бир қатор бошқа механизмлар ҳам мавжуд. Ҳамонки, болалар инсон ҳуқуқларининг барчасидан фойдаланишга ҳақли экан, халқаро ва минтақавий даражадаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи барча ташкилотлар бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳам тегишли ҳаракатларни амалга оширишлари лозим. Бу Инсон ва халқлар ҳуқуқлари

бўйича Африка Комиссияси каби минтақавий инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ва БМТ махсус маърузачиларига нисбатан ҳам қўлланилади. Юқорида зикр этилганлар миллий даражадаги барча инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи ташкилотларга ҳам тааллуқли бўлиб, Конституциявий суд каби давлат идоралари ҳам нафақат инсон ҳуқуқлари, балки бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар қилишлари даркор.

Болаларнинг зўравонлик, қаттиқ ва шафқатсиз муомала ҳамда эксплуатациядан холи бўлиш ҳуқуқлари дунёдаги деярли барча мамлакатлар миллий қонунчилиги, минтақавий ташкилотлар ҳуқуқий стандартлари ва халқаро ҳуқуқда аниқ, равшан белгилаб берилган. Бу, ўз навбатида, болалар муҳофаза қилинадиган болаларга муносиб дунё қуриш йўлидаги инсоний ҳамжиҳатликнинг ифодасидир.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2002 йилда ўтказилган Болалар тўғрисидаги Махсус Сессия якунида қабул қилинган Болаларга муносиб дунё Декларациясида давлатлар ҳар бир қиз ва йигит беғубор болаликдан баҳра оладиган, болалар униб-ўсиши учун имконият яратиладиган, улар ҳурмат қилинадиган ва севиладиган, уларнинг хавфсизлиги ва фаровонлиги муҳим бўлган, уларнинг саломатлиги, тинчлиги қадр-қимматлари юксак қадрланадиган дунё қуришга бел боғладилар[4]. Бу интилишлар ҳар қандай ҳуқуқий стандартлардан ҳам юқори туради. Дунёдаги мавжуд барча маданиятлар болалар гуллаб-яшнаши тарафдори эрсада, биз уларни ҳанузгача муносиб ҳимоя қила олмаёпмиз.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ва минтақавий ҳужатларда иштирокчи-давлат сифатида қатнашиш давлат даражасидаги мансабдор шахсларга ушбу мамлакат халқаро ҳамжамият олдида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини, қонунларнинг амалдаги ижроси таъминланиши ҳамда бу юксак мақсадларга эришиш учун бел боғлаганидан дарак беради.

Биринчи қисмда батафсил ёритиб берилганидек, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига доир бир қанча халқаро ҳужжатлар мавжуд.

Буларга қуйидагилар киради:

- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция;
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт;
- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт;
- Минимал ёш тўғрисидаги Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 138-Конвенцияси;
- Бола меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 182-Конвенцияси;
- Болаларни ҳимоя қилиш ва давлатлараро фарзандликка олиш масалаларида ҳамкорлик тўғрисидаги Гага Конвенцияси;
- Инсонлар, хусусан, аёллар ва болалар траффикингини олдини олиш, тақиқлаш ва жазолашга доир Протокол.

Дунёнинг айрим минтақалари кичик ёки чекланган ҳуқуқий ресурсларга ва умумий маданий қадриятларга эга, умумий ҳуқуқий оилага мансуб, ўхшаш ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бошидан кечираётган дунё давлатларига, айниқса, ҳуқуқий ислоҳотлар соҳасидаги тажриба алмашув ёки ҳамкорликнинг бошқа шаклларига фойдалидир.

Баъзи давлатларда махсус болалар кодексларни ишлаб чиқилган ёки болаларга тааллуқли барча қонунчилик нормалари ягона бир қонунда умумлаштирилган. Бу баъзи ҳолларда самарали бўлиб, болаларни ҳимоя қилишни ҳам ўз ичига оладиган бола ҳуқуқларининг барчасига тааллуқли ягона ҳавола этиш манбаи яратилишини таъминлайди. Бошқа ҳолларда эса бундай йўл тутиш фойдасиз бўлиб, қонунчиликда бир-бирига зид нормалар пайдо бўлиши, қайтаришларнинг учраши ёки, ҳаттоки, болалар кодекси ва бошқа қонун орасида номувофиқликлар келтириб чиқариши мумкин.

Кўплаб мамлакатларда шахслар ва гуруҳлар болалар муҳофазаси учун бирлашиб, чинакам сиёсий кучга айланиб улгурдилар ва бу борада

ижтимоий фаолият олиб боришга бел боғлаганлар. Такрор ва такрор айтиш жоизки, шахслар, нодавлат ташкилотлар, касаба уюшмалар ва диний жамоалар бу ишда иштирок этадилар.

Болаларни ҳимоя қилиш масалалари диққат-эътиборни ҳамда барча муаммоларни тўлиқ қамраб олишни талаб этишини тан олишимиз муҳимдир. Ҳолатлар тўлиқ ва лозим даражада баҳоланмаган ва таҳлил қилинмаган эзгу ниятлар билан бошланган ҳаракат ҳам бахтга қарши кутилган натижани бермаслиги мумкин. Бу борада кўплаб келтириб ўтказилган умумий мисол бу болаларни бола меҳнатидан фориғ бўлишга бўлган уринишлардир. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, болалар болалар меҳнатидан фориғ этилгани билан уларни меҳнат қилишга мажбур қилаётган сабаблар илдизини топиш учун бу борада бирор-бир тегишли тадбир кўрилмаса, болалар ўзлари ва оилаларини боқиш учун худди илгаригидек пул ишлаб топишга мажбур бўлаверадилар.

Алоҳида олинган ҳолатлар бўйича ёки оммавий ахборот воситалари билан ишлаганда эътиборли бўлиш ҳам жуда муҳим жиҳат ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари бола ҳуқуқларига оид масалаларда ўзлари хоҳламаган тарзда шов-шув кўтариб, жабрдийдаларга нисбатан қилинаётган ижтимоий камситиш ёки улар ёкаётган руҳий азобни янада ёмонлашувига сабабчи бўлиб қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳам алоҳида кўриб чиқиладиган ишларда иштирок этаётган болаларнинг шахси махфийлиги ва уларнинг шахсий сизлигини ҳимоя қилиш жуда муҳимдир. Болаларнинг кимлигини уларнинг шахсини ошкор этиш мутлақо зарур деб топилган ҳоллар на маълум қилиниши керак. Болаларнинг шахсий маълумотларини ўз ичига олган ҳужжатлар ва қайдлар мутлақо керак бўлганидагина сақланиши ва улар сақланган ҳолатларда фақатгина алоҳида кўриб чиқиладиган иш талаб қиладиган доирада тарқатилишини таъминланиши зарурлиги учун барча тадбирлар кўрилиши керак?

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларининг ўзига хослигини инобатга олсак, бу соҳада мувафаққиятга эришиш имконияти ҳамкорлар

билан ишлаган тақдирдагина юқорироқ бўлади. Шериклик қилиши мумкин бўлганларнинг бир қатор турлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси болаларини ҳимоя қилишга тегишли бирор бир махсус масала бўйича ёки унинг деярли барча жабҳаларида қўшма фаолият олиб боришга ўз хиссаларини қўшишлари мумкин. Хусусий сектордаги ташкилотларнинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бошқа идоралар билан боғлиқ қилиш истагида эканликлари ёки ҳамкорлик қилаётганликларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

ЮНИСЕФ халқаро нодавлат ташкилотлар сингари ёки бошқа мамлакатлар партиялари аъзолари ҳам бу борада халқаро ҳамкор бўла оладилар. Калькуляциялар яратиш, малакали бошқарув ва йўналтирилган мақсадли кўллаб-қувватлаш, ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш имкониятларини қидириб топиш сингари омиллар бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни яхши ташкил этишнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. Парламентлар Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда белгилаб берилган болалар ҳуқуқларига нисбатан ҳурмат тарғиб қилинишига қаратилган халқаро саъй-ҳаракатларда ҳукуматлар тўлиқ иштирок этишларини таъминлашлари шарт. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан жиддий шуғулланиб келаётган куч-қувватга тўла ғайратли ва маҳоратли фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Яна бир ҳамкорликдан бири бу Оммавий ахборот воситалари. Инсонларнинг ўзини ўзи тутиши, муомаласи, билими ва жамоатчилик фикрини шакллантиришдек фавқулодда салоҳиятга эга журналистлар алоҳида, махсус бир масалалар ёки ҳолатлар бўйича иш юритишлари мумкин. ОАВ ҳар ким ҳар хил шакллари замон ва маконга қараб кишиларга турлича таъсир кўрсатишини унутмаслик лозим. Масалан, баъзи мамлакатларда радио қишлоқ жойлардаги аҳоли билан мулоқот қилишдаги энг қудратли восита ҳисобланади. [5]

1946 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) болаларни тиббий ёрдам, озиқ-овқатлар, таълим,

тоза сув ва етарли санитария шароити билан таъминлаш борасида 160 дан ортиқ мамлакатда ҳукуматлар, маҳаллий жамоалар ва бошқа ҳамкорлар билан фаолият кўрсатаётган етакчи ташкилот ҳисобланади. Бу ҳолда эътибор фаолиятнинг тиббий ва акушерлик ёрдами, таълим каби турлари бўйича ўқитиш билан шуғулланаётган ошиларнинг фаол иштирокидаги жамоаларга мўлжалланган арзон стурларга қаратилади.

БМТнинг бутунлай болаларга бағишланган ягона тармоғи ҳисобланган ЮНИСЕФ *Болалар ҳуқуқлари конвенцияси* тўлиқ қўлланилишиги кўмаклашиб улар номидан иш кўради.

ЮНИСЕФ саъй-ҳаракатлари билан 1990 йилда БМТ бош қароргоҳида Болалар манфаатлари бўйича олий даражадаги халқаро учрашуи чақирилди, унда 150 дан ортиқ мамлакатларнинг лидерлари иштирок этдилар. Олий даражадаги учрашув ёшлар ўз мамлакатлариниш ресурсларида "имтиёзли ҳуқуқга" эга эканлигини тан олди. Дунё мамлакатлари ҳукуматлари болалар фаровонлигини ошириш борасида аниқ мақсадларни кўзлаган тадбирларни амалга ошириш ишини давом эттиришни кафолатлаб, олий даражадаги Учрашув белгилаган вазифаларни ўзларининг сиёсий йўллари ва режаларни киритдилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ сезиларли тараққиёт юз берди: бутун дунёда беш ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлимнинг камайиши давом этмоқда, болаларнинг овқатланиши, уларга бошланғич таълим бериш ва катта ёшдагилар саводхонлигини ошириш борасида аҳволи яхшиланмоқда. Ҳақиқатда полиомиелит ва дракункулез (паразн гельминтлар келтириб чиқарадиган касаллик) каби касалликлар асосан, йўқолиб бормоқда. Перорал регидрататсион даволарни қўллаш қизамиққа қарши эмлаш бир мунча кенгайди. Кўпгина мамлакатларда кўкрак сути билан боқиш, тоза ичимлик суви таъминоти В чақалоқларни парваришлаш борасида яхши натижаларга эришилди, (организмда йод ва "А" витамини етишмаслиги туфайли келиб чиқадиги касалликлар камайди, шунингдек гендер жарлиги қисқарди

ЮНИСЕФ бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан биргалиқда ҳар йил 3 миллион бола ўлимнинг олдини оладиган ва бўғма, қизамиқ, кўк-йўтал, полиомиелит, қоқшол ва сил каби олтига касалликлардан беҳад азоб чекишдан халос этадиган эмлаш дастурига ёрним бермоқда.

Миллионлаб болалар ўта қашшоқлик, урушлар, табиий офатлар ва ҳуқуқлари чеклаб қўйилганлиги натижасида катта хавф-хатар гирдобиди қолганлар. Бундай вазиятларда болалар кўпинча, ота-оналаридан ажралиб қоладилар ва оғир эксплуатациянинг, зўравонлашнинг қурбонига айланадилар. ЮНИСЕФ уларни ота-оналари ва ўз оилалари билан топишишларига ёрдам беради.

Дунё мамлакатларида ўзини ва оиласини боқиш учун 250 миллион бола меҳнат қилади, улар тинка-мадорни қуритадиган ва кўпинча хавфли фабрика ишларини бажарадилар, уйларга хизмат кўрсатишади, шаҳарлар кўчаларида тер тўкадилар. ЮНИСЕФ алоҳида дастур асосида бундай болаларнинг билим олишларини таъминлашга, уларга маслаҳат ёрдами кўрсатишга ва парвариш қилишга кўмаклашади. У болаларни эксплуатация қилишга фаол қарши курашади, бундай ҳолларни улар ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш деб ҳисоблайди ва оғир ҳамда хавфли болалар меҳнатига барҳам беришга ёрдамлашади.

Кизлар ҳўрланмоқда, камситилмоқда, ҳатто бу уларнинг ҳаёти саломатлигига ҳам хавф-хатар соляпти. Одатда, ўғил болаларга нисбатан қизлар кам овқат ва тиббий ёрдам оладилар, билим олиш имкониятлари ҳам камроқ; 6-11 ёш оралиғидаги 75 миллион қизалоқ умуман ўқимайди, ўғил болалар ўртасида бу кўрсаткич 55 миллионни ташкил этади. ЮНИСЕФ қизларнинг мактабда ўқишларига алоҳида эътибор бериб, ҳаёт тарзини энгиллаштиришга, уларнинг ҳаётим имкониятларига дахли бўладиган урф-одатлар ва амалиётни ўзгартиришга ҳаракат қилади.

15 ёшгача бўлган 3 миллионга яқин бола ОИТС касаллигини келтириб чиқарувчи вирусни юқтиргани маълумдир, бундан ҳам ортиқ

сондаги ионлаларнинг ота-оналари ушбу касаллик қурбони бўлдилар. Ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш учун билим, ҳаётий тажрибалар ва репродуктив саломатликни сақлашга эришиш лозим. ЮНИСЕФ мамлакатларнинг ҳукуматлари ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда ОИТСни юқтирадиган вируслардан эҳтиёт бўлиш чораларини кўриш масалаларини кўтармоқда, ота-оналари ОИТС қурбони бўлган болалар парваришига, улар ҳуқуқларини ҳимоялашга ва етим болаларга ёрдам дастурларига кўмаклашмоқда.

Ҳар йили тўйиб овқат емаслик ва касалликлардан миллион бола ҳаётдан кўз юмади. Яна бошқа сон-саноксиз болалар можаролар, оғир шаклдаги эксплуатация, жумладан сексуал зўравонлик қурбони бўладилар. Болалар ҳуқуқларини БМТ доирасида ҳимоя қиладиган бош орган - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) жаҳон болаларини Ер юзи аҳолисининг "унутилган чораги" билан тенглаштиради. ЮНИСЕФ Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга асосланиб, инсон ҳуқуқлари пойдор этник тамойиллар ва болаларга нисбатан муомаланинг халқаро стандартлари сифатида олиб қараладиган тартиб-қоидаларни тасдиқлашга ҳаракат қилади.

1990 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти Болалар меҳнатини тақиқлаш дастурини таъсис этиб кенг кўламдаги юришнинг бошлади. Дастур баъзи мамлакатларнинг илтимослари билан диққат-эътиборни саломатликка хавфли бўлган ишлар, мажбурий меҳнат, ташландиқ болалар, фоҳиша-қизалоқлар 13 ёшга тўлмаган болалар меҳнати каби энг жиддий бадкорликларга қарши курашга жалб этиш билан техник ва маслаҳат ёрдамлари тақдим этади.

- 1992 йилда Бош Ассамблея ҳукуматлар ва Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияни ғоят оғирлашиб бораётган, айти пайтда жиноятга жалб этилаётган ёки ўзлари жиноятнинг қурбонларига айланаётган, зўравонликни бошларидан кечираётган наркотиклар ва фоҳишабозлик домига тортилаётган ташландиқ болалар муаммосини ҳал этиш борасида фаол чора-тадбирлар қабул қилишга чақирди.

- Кичик элатларни камситишни бартараф этиш ва уларни химоя қилиш бўйича кичик комиссия болаларни армияга ва ҳарбий хизматга чақиришни тақиқлаш тўғрисидаги мурожаат билан чиқди. 1996 йилда кенг кўламдаги масалалар бўйича Мозамбиянинг собиқ маориф министри Гратсия Машел хоним қилган маърузага асосан Бош котиб Қуролли можароларнинг болаларга таъсири масалалари бўйича махсус вакил тайинлади, лавозимни жаноб Олара Отунну эгаллади.

- Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия Болалар билан савдо қилиш, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографияси ҳамда тижорат мақсадида фарзандликка қабул қилиш масалалари бўйича махсус маърузачи тайинлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция. Халқаро меҳнат ташкилотининг 182-Конвенциясини кўллаш бўйича амалий қўлланма./Ўзбекча нашр учун маъсул муҳаррир А.Х.Саидов.-Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. 4-бет.
2. Инсон ҳуқуқлари [Матн] : Парламент аъзолари учун қўлланма. - Тошкент: Бактрия пресс, 2019. - 284 б
3. Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 182-сон-Конвенция/ [хттпс://lex.uz/doss/1584627](https://lex.uz/doss/1584627)
4. Наргис ҚОСИМОВА, Назира ТОШПЎЛАТОВА “Ўзбекистон ОАВда болалар мавзусини ёритишнинг назарий ва амалий асослари” ўқув-амалий қўлланма. Т.2014
5. Болаларни химоя қилиш. Парламент аъзолари учун кулланма. Т. 2006 й. 56-бет